*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*


# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган,

**E-mail:** axborotXXIasr@yahoo.com
**web sayt:** www.21asr.uz

2011 йил 15 декабрь, пайшанба
**50-(422)-сон**

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI





Юртбошимиз таклифи билан янги йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном берилиши мўътабар оналаримиз, оқила ва мунис опа-сингилларимизга бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир

03 МУНОСАБАТ





Халқ банки томонидан жорий йилнинг ўтган ўн ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига **241,2** млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди

06 ИҚТИСОДИЁТ





**2015** йилга бориб ОИТС туфайли **74** миллион киши ҳаётдан кўз юмиши мумкинлиги ва айни пайтда ушбу бедаво дардга чалинганлар сони **35** миллионга етгани таъкидланмоқда

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ


## ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗ ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛАМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ **19** ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИДА БИЛДИРИЛГАН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР БУГУН ЭНГ ЧЕККА ҲУДУДЛАРИМИЗДА ҲАМ ҚИЗҒИН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Хусусан, мулоқотларда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизациялаш жараёнларини изчил давом эттириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, энг аввало, тинчлигимиз ва албатта, фаровонлигимиз асоси бўлаётгани алоҳида эътироф этилмоқда.

Маълумки, мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил амалга оширилди. Тараққиётнинг «ўзбек модели» дея ном олган беш томойил асосида барча жабҳаларда босқичма-босқич ислоҳотлар ўтказила бошланди.

2 ►►



# Навбат парламент эшитувига

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН НАВБАТДАГИ СЕМИНАРДА «ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЛОЗИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Семинар иштирокчиларининг фикрича, бундан 11 йил аввал қабул қилинган қонун давлат кадастрларини юритиш, кадастрга доир ахборотни тўплаш ва ундан фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш имконини берди, албатта. Мазкур қонуннинг 5-моддасида давлат кадастрлари ягона тизими 21 та йўналишда олиб борилиши ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси ("Ергеодезкадастр") давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги махсус ваколатли орган ҳисобланади. Шунингдек, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Маданият ва спорт ишлари, Фавқулодда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Табиатни муҳофаза қилиш, "Давархитекқурилиш", Геология ва минералогия давлат қўмиталари, "Давсувхўжаликназорат" инспекцияси, "Ўзавтойўл", "Ўзбекэнерго", "Ўзбекистон темир йўллари" каби компаниялар ҳам давлат кадастрларининг тегишли йўналишлари бўйича масъул идоралар ҳисобланади.

4 ►►

# Истиқлол тарихининг энг ишончли манбаи

ТАРИХНИНГ ЎТА МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВРЛАРИДА — МУРАККАБ ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁНЛАР СИЛСИЛАСИДА ВОҚЕАЛАР РИВОЖИНИНГ АСЛ САБАБ ВА ОҚИБАТЛАРИНИ АНГЛАШ, ПИРОВАРД НАТИЖАЛАРНИ ТЎЛА ТАСАВВУР ҚИЛИШ НИҲОЯТДА ҚИЙИН, АЛБАТТА

Бундай пайтларда жамият тараққиёти қонуниятлари ва устувор тамойилларни теран ҳис этиш, халқ ва давлат тақдири учун муҳим воқеалар ривожини олдиндан кўриб, мураккаб масалаларда оқилона ечим топиш фақат тарихий шахсларгагина насиб қилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобида баён этилган воқеалар юз берган 1989-1991 йилларда ўспирин ёшда бўлганим учун юртимиз ҳаётидаги жиддий ўзгаришлар моҳияти, улар тафсилоти, сабаб ва оқибатларини англаш, тасаввур қилиш қийин бўлганини энди тушуниб етаяпман.

Аслида яқин-яқингача ҳам бу ҳақдаги маълумотлар кам бўлиб, асл манбаларга таянган ўқув қўлланмалари деярли йўқ эди. Мавжудларида ҳам ўша давр ниҳоятда қисқа ёритилгани мустақилликка эришиш учун олиб борилган саъй-ҳаракатлар тарихини муфассал ўрганиш имконини бермасди. Юртбошимиз китобини ўқиб, ўша оғир ва мураккаб давр ва истиқлолга эришишнинг машаққатли йўли ҳақида асл ҳақиқатни англай бошладик. Асарда ҳар бир фикр аниқ далил ва рақамлар, мантиқий хулосалар билан асослаб берилгани, воқеалар марказида бўлган муаллифнинг теран мушоҳадалари ўша пайтдаги ўта қалтис ва мураккаб жараёнлар ҳақида тўла маълумот олиш имконини беради, албатта.





Ўша суронли йилларда Юртбошимиз томонидан халқимиз қалбидаги асрий орзу — истиқлол ғояси улкан жасорат билан илгари сурилиб, уни амалга ошириш учун тарихий қадамлар қўйилгани, Ватанимиз мустақиллиги, янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш учун кескин сиёсий вазиятларда яккаю ягона ва тўғри йўл танлангани, халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун тинимсиз фаолият олиб борилганини бугун барчамиз қалбан ҳис этмоқдамиз.

4 ►►

## ҚОНУНЛАР ЖАМОАТЧИЛИКНИ ЖАЛБ ЭТИШ ОРҚАЛИГИНА МУКАММАЛЛАШАДИ

O'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ДАСТАВВАЛ ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА МУҲОКАМА ҚИЛИШ ТАЖРИБАСИДАН ТОБОРА КЕНГ ФОЙДАЛАНМОҚДА



Фракция аъзолари ташаббуси билан ноябрь ойидагина "Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ва "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган 20 га яқин мулоқотлар ташкил этилди.

Жамоатчилик вакиллари, экспертлар ва мутахассислар, давлат ҳокимияти идоралари масъул ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари ва албатта, ўрта синф вакиллари иштирок этган тадбирларда қонун лойиҳаларини янада мукаммаллаштиришга қаратилган реал таклифлар билдирилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

4 ►►

# Тарих ортга қайтмайди

**«МИЛЛАТ БОР ЭКАН, МИЛЛИЙ ДАВЛАТ БОР ЭКАН, УНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ЭРКИНЛИГИГА, АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАРИГА ТАҲДИД СОЛАДИГАН, УНИ ЎЗ ТАЪСИРИГА ОЛИШ, УНИНГ УСТИДАН ҲУКМРОНЛИК ҚИЛИШ, УНИНГ БОЙЛИКЛАРИДАН ЎЗ МАНФААТИ ЙЎЛИДА ФОЙДАЛАНИШГА ҚАРАТИЛГАН ИНТИЛИШ ВА ҲАРАКАТЛАР ДОИМИЙ ХАВФ СИФАТИДА САҚЛАНИБ ҚОЛИШИ МУҚАРРАР.**

**ШУ МАЪНОДА, БУНДАЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРГА ҚАРШИ АСОСИЙ ҚУРОЛ СИФАТИДА ЮРТИМИЗДА ЯШАЁТГАН ҲАР БИР ИНСОН, АВВАЛО, УНИБ-ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ АВЛОДНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА БАРКАМОЛ, ИРОДАСИ БАҚУВВАТ, ИЙМОНИ БУТУН БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ УЧУН КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ВА АҲОЛИМИЗ ЎРТАСИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТИМИЗНИ ЮКСАК ДАРАЖАГА КЎТАРИШНИНГ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁСДИР».**

Президентимиз Ислом Каримов томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларида айтилган ана шу фикр мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, миллий давлатчилигимизни асраш, халқимиз тақдири ва келажаги, юртимиз тараққиёти учун қанчалар долзарб аҳамият касб этганини бугунга келиб янада теранроқ англаяпмиз.

Бугунги натижалар, улкан ютуқларимизга чуқурроқ назар ташлаб, улар моҳиятини англаб етсак, беихтиёр бундан 20 йил аввал ким эдигу бугун ким бўлдик, деган саволга фахр билан жавоб қайтаргимиз келади. Эркинлик ва озодлигимизни қайтариб берган истиқлол туфайли мамлакатда янги авлод шаклланди. Унинг ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этмоқдамиз.

Ана шу йилларда мамлакатимиздаги тинчлик ва хотиржамликдан энг кўп манфаатдор бўлган янги синф – мулкдорлар қатлами шаклланганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Мамлакат сиёсий майдонида эса улар манфаатини ҳимоя қилувчи сиёсий куч — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси пайдо бўлди.

3 ►►


БУГУНГИ СОНДА:



«...кўлами ва моҳиятига кўра ғоят улкан ва ноёб, том маънода тарихий ишларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, стратегик вазифаларни ҳал этишга қодир ўз миллий армиясига эга бўлди...»

05 ►


# Кучсиз қуйи бўғин — кучсиз партия демак

«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДАГИ ЎРНИ ВА УЛАР ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР» МАВЗУИДАГИ ДАВРА СУҲБАТИДА «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» O'ZLIDEPНИНГ ҲАР БИР АЪЗОСИ ЗИММАСИГА ЯНГИЧА ИШЛАШ ВА ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ТАЛАБИНИ ҚЎЯЁТГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ

«Пойтахт» бизнес-марказида бўлиб ўтган тадбирда асосий эътибор ислоҳотларнинг янги босқичида аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, айниқса, ёшларда, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш масалаларига қаратилди.



Тадбирда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев қуйи бўғинлар фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириш энг долзарб масала эканини таъкидлаб, бугунгача бошланғич ташкилот раҳбарлари ва партия фаоллари учун 16 босқичли узлуксиз семинар-тренинглар ўтказилганини, уларда 6 мингдан ортиқ БПТ раҳбарлари, 12 минг нафар партия фаоллари, шу билан бирга, маҳаллий вакиллик органларидаги мингдан зиёд депутатлар таълим олганига эътибор қаратди. Ана шу тадбирларда Президентимиз асарлари, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, замонавий сиёсий технологиялар, БПТларнинг кенг аҳоли қатлами ва электорат орасида ишлаш стратегияси ва тактикаси, сайлов қонунчилиги, хорижий давлатлар сайлов технологиялариниг ижобий тажрибалари ўрганилганини таъкидлаш жоиз. Ўтган даврда, шунингдек, кадрлар заҳирасини яратиш бўйича ишлаб чиқилган махсус дастур асосида партия тузилмалари, давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижроия органларидаги раҳбар лавозимларига муносиб номзодлар рўйхатга олинганини алоҳида тилга олиш мумкин.

2 ►►

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 13 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,**
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▼ | 1817,75 | 1 АҚШ доллари | ▲ | 1787,54 | 1 Хитой юани | ▲ | 281,08 | 1 Туркия лираси | ▼ | 970,43 | 1 Япония иенаси | ▼ | 230,29 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▲ | 2795,00 | 1 Миср фунти | ▼ | 297,18 | 1 Малайзия ринггити | ▼ | 567,47 | 1 Швейцария франки | ▼ | 1929,97 | 1 Россия рубли | ▼ | 56,62 |
| 1 Дания кронаси | ▼ | 320,99 | 1 Исландия кронаси | ▲ | 15,03 | 1 Польша злотийси | ▼ | 529,47 | 1 ЕВРО | ▲ | 2391,64 | 1 Украина гривнаси | ▲ | 223,72 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ | 486,74 | 1 Канада доллари | ▼ | 1753,01 | 1 СДР | ▲ | 2783,70 | 1 Жанубий Корея вони | ▼ | 15,62 | | | |

# Кучсиз қуйи бўғин — кучсиз партия демак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**Ўз мухбиримиз**



Рақамларга мурожаат қилсак, айни пайтда жами 173 минг нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган 7605 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. Тадбирда партия аъзоларининг 55 фоизини хусусий сектор вакиллари ташкил этаётгани, уларнинг 38166 нафари тадбиркор, 20380 нафари фермер, 37168 нафари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари вакиллари экани қайд этилди. Шунингдек, O`zLiDeP аъзоларининг 16 фоизини зиёлилар, 7 фоизини маъмурий бошқарув идоралари ходимлари ташкил этади. Партиядошларимизнинг 37 фоизи аёллар, 51 фоизи эса ёшлардир.

Бу рақамлар эса O`zLiDePнинг таянч нуқтаси бўлган бошланғич ташкилотлар фаолиятини тубдан яхшилаш бугунги сиёсий ва ижтимоий жараёнлардаги энг муҳим вазифалардан бўлиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Зеро, БПТлар иши замон талаблари даражасида йўлга қўйилмас экан, партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишда кутилган натижаларга эришиш мураккаблигича қолаверади.

Тадбирда қуйи бўғинлар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ишларга қарамай, Андижон ва Самарқанд вилоятларида БПТларнинг ҳудудий партия ташкилотлари билан ўзаро алоқаси сустлигига эътибор қаратилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё вилоят кенгашларида ҳам худди шундай камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айрим ҳудудларда эса аксарият БПТлар фақат туман марказларида фаолият кўрсатаётир. Бу эса чекка ҳудудларда партия ғоялари деярли тарғиб қилинмаётганини кўрсатаяпти.

O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши маълумотларига кўра, бугун пойтахтимизда 938 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар таркибига кўп йиллик малака ва бой тажрибага эга мутахассислар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар, олим ва тадқиқотчилар, банк-молия муассасалари вакиллари киритилган.

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, Тошкент шаҳрида 25 417 нафар аъзони бирлаштирган БПТларнинг мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаётгани маълум бўлди. Қуйи бўғинларда сиёсий, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, партиянинг дастурий вазифаларини кенг тарғиб қилишда кутилган натижаларга эришилмаяпти.

O`zLiDeP Учтепа туман кенгаши раиси Д.Шоумаровнинг айтишича, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар кўриш мақсадга мувофиқдир. Партия фаолининг фикрича, ҳудудий партия ташкилотлари кесимида "Бошланғич партия ташкилоти – партия негизи: инвентаризациялаш, позицияни мустаҳкамлаш ва фаолиятни такомиллаштириш" мавзуида босқичма-босқич махсус ташкилий-партиявий тадбир ўтказиш бу борадаги муаммоларга ечим топишга хизмат қилиши мумкин.

Давра суҳбати иштирокчилари илгари сурилган таклифни маъқуллаб, ушбу акция орқали жойларда аҳоли билан самарали алоқа механизмларини яратиш, юртдошларимизда қатъий фуқаролик позицияни шакллантириш, партия таъсирини кенгайтириш ва унинг тарафдорларини кўпайтиришга кўмаклашиш мумкинлигига эътибор қаратдилар. Айнан БПТлар дастурий ғоя ва мақсадларимизни тўла қўллаб-қувватлайдиган, уларни биринчи навбатда электоратимизга етказа оладиган, ўз ортидан минглаб фидойи инсонларни эргаштира оладиган аъзоларни бирлаштириши лозим.

Тадбир доирасида ҳар уч ойда барча туман (шаҳар) кенгашларидаги БПТлар фаолиятини чуқур ўрганиш, партия аъзоларининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш бўйича аниқ амалий ишлар олиб бориш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, барча туман (шаҳар) кенгашлари ҳар ойда БПТ раҳбарлари билан камида бир маротаба учрашув ташкил этиш амалиётини жорий этиши лозим. Демак, кўпроқ бугунги кунда партиямиз сафини тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар ҳисобидан кенгайтиришимиз ҳамда микрофирма, хусусий корхоналар, фермер хўжаликларида O`zLiDeP БПТлари сонини ошириш ва сифат жиҳатдан мустаҳкамлаш олдимизда турган долзарб масалалардан саналади.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган давра суҳбати якунида БПТлар ишини замон талабларига мослаштириш юзасидан кўплаб таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

# Танлаган йўлимиз тараққиётга етакламоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,**
«XXI ASR»

Бунда, энг аввало, биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий пойдевор — Асосий қонунимиз ишлаб чиқилди.

Ўтган йилларда Бош қомусимизга таяниб мамлакатимизни модернизация қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш ва хусусий мулк мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг мантиқий давоми ҳам, дейиш мумкин.

Ана шундай ўзгаришлар асосида қулай бизнес муҳити яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун тадбиркорлик субъектларини солиқ текширувларидан ўтказмаслик муддати 2 йилдан 3 йилга узайтирилди. Барқарор ўсиш суръатлари ва рентабелликни таъминлаган субъектларни текшириш эса мутлақо тақиқланди. Шу билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга туширилди.

Бугунга келиб ўз ишини бошламоқчи бўлган тадбиркорлар «бир дарича» тамойили асосида 2 кунлик муддатда тегишли рухсатнома олиш имконига эга бўлдилар. Кичик бизнес субъектларини давлат харидларига кенг жалб этиш механизми йўлга қўйилгани эса тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтирди. Хусусий сектор вакиллари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш ҳажми ўтган даврда қарийб 2 баробар кўпайиб, 600 миллиард сўмни ташкил этгани, зарур хомашё ресурсларини қўшиб ҳисоблаганда, бу кўрсаткич 2 триллион 800 миллиард сўмдан ошгани ҳам ана шундай тадбирлар натижасидир. Бинобарин, 20 йил муқаддам хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши атиги 1 фоизни ташкил этган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич қарийб 54 фоизга етди.

Таъкидлаш жоизки, бугун ўрта қатлам вакиллари замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган кучга айланганини ҳам исботламоқдалар. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони асосида 2012 йилдан бошлаб саноат соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани саноат соҳасида фаолият олиб борувчи тадбиркорлар сонининг кескин ошишига хизмат қила бошлади. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 3 триллион 200 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилгани, уларнинг асосий қисми замонавий асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилгани ҳам хусусий секторнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириб, бозорни сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш имкониятини кенгайтирди. Амалга оширилган ана шундай чора-тадбирлар туфайли кичик корхоналарнинг экспортдаги улуши 2011 йилнинг ўзида 2 миллиард АҚШ долларидан ошиши, уларнинг ялпи маҳсулотдаги ҳиссаси эса 16,3 фоизга етиши кутилмоқда.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан такомилига етказилаётган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасидан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам жамиятда ўз бизнесига эга бўлган мустаҳкам оилаларнинг шаклланишига эришиш ва иқтисодиётнинг турли йўналишларида оилавий бизнесни ривожлантириш орқали аҳолини фойдали меҳнатга жалб қилиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилгандир.**

Президентимиз таклифига биноан 2012 йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном берилиши замирида ҳам айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсади мужассам эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки ҳар қандай мамлакатда мулкдорлар қатламининг мавжуд бўлиши иқтисодий ривожланишни таъминлашга хизмат қилади. Бундай тоифа кишилари, энг аввало, ўз мулкини кўпайтиришга, оиласи ва яқинлари фаровонлигини оширишга интилиб яшайди. Бу эса давлатнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаб, янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳолини фойдали меҳнатга жалб қилиш имкониятларини кенгайтиради. Моддий ва маънавий жиҳатдан тўла таъминланган оила эса мустаҳкам бўлади. Жамиятнинг асосий пойдевори бўлган оилалар мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий манфаатлари қай даражада таъминланишига боғлиқдир. Ана шу нуқтаи назардан айни соҳада мамлакатимизда тизимли ишлар олиб борилаётгани, оилавий тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик асослари яратилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир. Айни кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан такомилига етказилаётган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасидан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам жамиятда ўз бизнесига эга бўлган мустаҳкам оилаларни шакллантириш ва иқтисодиётнинг турли йўналишларида оилавий бизнесни ривожлантириш орқали аҳолини фойдали меҳнатга жалб қилиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилгандир.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда ўрта қатлам вакилларининг мустаҳкам ўрин эгаллаши ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масалаларини ижобий ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, инсон ва унинг манфаатлари учун» деган тамойилни ҳаётга кенгроқ жорий қилишга қаратилган туб ўзгаришлар натижаси давлатимизни жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин эгаллашида муҳим роль ўйнайди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинганини таъкидлаш жоиз. Айниқса, Конституция тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этганини ўрта синф вакиллари алоҳида қайд этмоқдалар. Жумладан, соҳани тартибга солувчи 450 га яқин қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши мулкдорлар қатламининг шаклланишида ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Жаҳон бозорида рақобат кескин тус олаётган, молиявий ва иқтисодий инқироз асоратлари тўла бартараф этилмаган бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг имкониятлар яратиш, соҳа учун қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш масаласи долзарб бўлиб қолаяпти. Шуни ҳисобга олиб "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар асосида соҳани янада ривожлантиришга қаратилган изчил ишлар амалга оширилди. Бунда, айниқса, Юртбошимизнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этганини таҳлилчилар алоҳида эътироф этмоқдалар. Ушбу ҳужжатларни Концепцияда қайд этилган кичик бизнес, хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамиятини изчил оширишга қаратилган ўзгаришлар стратегияси-

# Расмиятчиликка биргаликда барҳам берамиз

«КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ» МАВЗУИДАГИ НАВБАТДАГИ ЎҚУВ-СЕМИНАРДА МУТАХАССИСЛАР ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ КЎП ЖИҲАТДАН БЮРОКРАТИК ИШ УСЛУБЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИЛИШИГА БОҒЛИҚЛИГИНИ ТАЪКИДЛАШДИ

**Ўз мухбиримиз**

Юртбошимизнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинган тадбирда водий вилоятларидаги божхона хизмати ходимлари ва тадбиркорлар фаол иштирок этдилар.

Фарғона вилояти мезбонлик қилган тадбирда аввал мазкур вилоят божхона бошқармаси валюта назорати гуруҳи бош инспектори Ф.Худойбергановнинг маърузаси тингланди. Сўнгра Андижон вилоят божхона бошқармасининг даромадлар ва божхона қиймати бўлими бош инспектори С.Дадабеков, Наманган вилоят божхона бошқармаси божхона назоратини ташкил этиш бўлими бош инспектори С.Отабековнинг маърузалари ҳам тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ишбилармонлик муҳитининг шаклланиши кўп жиҳатдан бюрократик иш услубларига барҳам берилишига боғлиқдир. Бунинг учун улар ўрнини боса оладиган ҳисобот топширишнинг электрон дастурларидан кенг фойдаланишга ўтилмоқда. Фарғона вилоят статистика бошқармаси бўлим бошлиғи А.Иномов иштирокчиларга шундай электрон ҳисобот дастурларини намойиш этди ва «Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳисоботлари тизими ҳамда ҳисоботларни топшириш механизмлари» хусусида маъруза қилди. Семинарда, шунингдек, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизга камайтириш, қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни 6 ой ичида тенг улушларда тўлаш, барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини 2014 йилнинг охиригача солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишда электрон тизимга ўтказиш, ташқи иқтисодий фаолиятда уларнинг кенг иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши аъзоси, фалсафа фанлари доктори Ф.Турғунбоевнинг «Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш борасидаги имтиёзлар ва енгилликлар, ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этишда сиёсий партияларнинг роли» мавзуидаги маърузаси ҳам тингланди.

# ШИФОБАХШ МАҲСУЛОТ ЯНАДА КЎПАЯДИ

**Мамлакатимизда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани халқимиз дастурхони тўкинлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ҳам бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, фонд томонидан тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар ажратилмоқда. Жорий йилда Тошкент асаларичилар уюшмаси асаларичиликни ривожлантиришга оид лойиҳаси учун қарийб 15 миллион сўм миқдоридаги ана шундай грантга эга бўлди.**

**Тошкент асаларичилар уюшмасига аъзо 250 нафар асаларичининг ҳар бири ўртача 50-150 асалари оиласини парваришламоқда. 2011 йилнинг ўтган даврида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида қарийб беш юз тонна асал ва асал маҳсулотлари тайёрланди. Бу маҳсулотларни аҳолига арзон ва сифатли ҳолда етказиб бериш мақсадида пойтахт бозорларида мунтазам равишда "Асал байрами" савдо-ярмаркалари ташкил этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январда қабул қилинган "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлаётир.**

**Айни вақтда уюшма аъзолари сафини кенгайтириш, маҳсулот етиштириш ҳажмини янада кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Қибрай қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи билан ўрнатилган ҳамкорлик ёшларнинг мазкур соҳага бўлган қизиқишини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.**

**Қарийб 900 нафар ўқувчи таҳсил олаётган ушбу коллежда асаларичилик бўйича қўшимча машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилди. Мутахассислар, тажрибали асаларичилар билан ўқувчилар учрашувлари тез-тез ташкил этилмоқда.**

(ЎзА)

МУНОСАБАТ



# Тарих ортга қайтмайди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Қиёмиддин НАЗАРОВ**

Халқимизнинг Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётгани эса мамлакатимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш сари эзгу ниятларимизга эришишнинг асосий манбаи ва кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямиз қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги Юртбошимиз маърузасида билдирилган фикр-мулоҳазалардан эса эришилган натижаларни янада мустаҳкамлаш, ким қаерда ва қандай соҳада ишламасин эл-юрт, мамлакат келажаги учун ёниб, куйиб меҳнат қилиши лозимлигини ҳис этдик. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда мустақилликка, мана шу ёруғ кунларга эришиш йўлида кечирган синов ва машаққатларни, истиқлолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга қаратилган турли ҳаракатлар тобора ортиб бораётганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Аввало, собиқ совет ҳудудида эски мустабид тузумни кўрмаган, бу ҳақда етарли маълумотга эга бўлмаган ёшларга нисбатан турли сохта талқин ва уйдирмаларни ишлатиб, уларнинг онгида кечаги совет даврини қўмсаш туйғуси ва кайфиятини уйғотишга қаратилган уринишлар намоён бўлмоқда.

Бундай ҳаракатларда совет империяси бўлмиш собиқ иттифоқнинг парокanda бўлишини табиий-қонуний ва мантиқий ҳол, деб баҳоламаслик, бунинг сабабини, авваламбор, бу тизимнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий асосларининг ноқобиллигида кўрмаслик ҳолатлари яққол кўзга ташланмоқда", деган фикрлари ҳар биримизни айниқса, сиёсий партиялар, жойларда фаолият олиб бораётган депутатлар корпусини дунёда ва ён атрофимизда рўй бераётган мураккаб жараёнларни чуқурроқ англашга, турли таҳдид ҳамда хуружлардан ҳушёр ҳамда огоҳ бўлишга ундайди.

Айни пайтда жаҳон халқларининг миллий давлатчилигига қаратилган хавф-хатарлардан бири бу, шубҳасиз, буюк давлатчилик иддаосидир. Бу ҳодисага муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш, деб ҳам таъриф бериш мумкин. Бундай иддао айрим миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий-сиёсий маконда ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш йўлидаги интилишларида ҳам намоён бўлади.

Тарихга назар ташласак, катта ва қудратли давлатлар сифатида тилга олинаётган айрим мамлакатлар кўпгина минтақаларни ўзларининг «ҳаётий манфаатлари» ҳудуди сифатида босиб олиб, узоқ вақт мустамлакачилик сиёсати юритганига ишонч ҳосил қиламиз. Айнан босиб олинган ҳудудларнинг хом ашё ресурсларидан фойдаланиш, бу мамлакатларнинг моддий ва маънавий бойликларини ўзлаштириш уларга улкан ва қудратли давлатга айланиш имконини берган. Натижада ўз атрофидаги мамлакатлар ва халқлар билан муносабатда ўзини устун, танҳо ва ягона, деб билиш, одамлар тақдири, халқлар келажагини белгилашда алоҳида мавқега даъвогарлик ифодаси сифатида баҳоланиши мумкин бўлган мумтозлик мафкураси уларни тарих саҳнасига олиб чиққан. Бундай мафкура давлат сиёсати асосига айланганида эса узоқ давом этган мустамлакачиликка хос иллатларнинг келиб чиқиши ва бутун бир минтақаларнинг вайрон бўлиши ҳолатлари юз берган.

Афсуски, бизнинг юртимиз ҳам буюк давлатчилик иддаосининг фалокатли таъсиридан четда қолмади. Она Ватанимиз узоқ вақт ҳукмрон шовинистик ва агрессив миллатчилик ғояларининг жафосини тотиб келди.

Фақат истиқлол туфайлигина собиқ мустабид тузум исканжасидан қутулиш имкони пайдо бўлди. Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, "ўзбек модели" деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Бугунги кунда ушбу модел асосида эришилган улкан натижалар ва ютуқлар, жамиятимиз ҳаётида амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамлар дунё жамоатчилиги, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилаётгани бежиз эмас.

Ўтган йигирма йил мобайнида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани, айниқса, эътиборга моликдир. Аҳоли турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етгани мустақил тараққиёт йўлининг реал ҳосиласидир.

Дунёда ҳанузгача молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг барқарор тараққий этиб бораётгани, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи тобора юксалаётгани ҳам ана шу йўлнинг имкониятларидан далолатдир.

Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани ҳам буни исботлайди, албатта.

Афсуски, бугунга келиб айрим мамлакатларда яна буюк давлатчилик иддаоси яқин ўтмишни қўмсаш ғояси билан уйғунлашаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Президентимиз таъкидлаганларидек, бундай қарашлар ортида содда кишиларнинг бош-кўзини айлантириб, ўз умрини яшаб бўлган ғояларини ҳаётимизга қайтадан тиқиштиришга, шу йўл билан яна эски тузумни тиклаш, бир сўз билан айтганда, миллий ўзлигимизни йўқотишга қаратилган интилишлар яширинганини ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз зарур.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Хўш, бугунги кунда бундай иддаолар жонланаётганининг асосий сабаблари нимада? Жиддийроқ мулоҳаза юритсак, бу аввало, беҳисоб хомашё ресурслари, ишчи кучи, транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолмасликка уриниш, мустақил давлатларни эса ўз таъсири ва тазйиқидан халос бўлишига йўл қўймасликка интилишдан иборатдир. Шу билан бирга бунда халқаро майдонда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик устувор бўлиб бораётганини тушунмаслик, тўғрироғи, тушунишни истамаслик ҳамда ўзининг инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасига ортиқча баҳо бериш, уни бетакрор ва ноёб ҳодиса, деб баҳолаш яққол намоён бўлмоқда.

Хусусан, бу борада собиқ иттифоқ ҳаётини мақташ, унинг тарқалиб кетишини "тасодифий ҳодиса", дея баҳолаб, бунда "ташқи кучларнинг таъсири", "ички кучларнинг бузғунчилиги" каби омиллар асосий сабаб сифатида кўрсатилади. Аслида эса собиқ иттифоқнинг ғайриинсоний мазмун-моҳияти, унинг тарқалиши табиий жараён бўлиб, бу тарихий қонуният тўғрисидаги асл ҳақиқат хаспўшланмоқда.

Айнан бугунга келиб, айрим давлатлар томонидан танлаб олинган ва "шок терапияси", "ташқаридан бошқариладиган иқтисод" каби тушунчалар устувор бўлган тараққиёт моделларининг таги пуч эканлиги кўриниб қолаётганидан кўз юммаслик керак. Бундай шароитда мазкур интилишлар асл ҳақиқатни яшириш, салбий натижа ва оқибатларни хаспўшлаш мақсадида одамлар диққатини бошқа томонга тортиш илинжи, ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида қўлланилаётган сиёсий найранг билан боғлиқ ҳаракат сифатида ҳам намоён бўлаяпти.

Бундай шароитда эски даврни қўмсаш туйғуси ўша давлатларда тарихий жараёнларнинг айнан шундай амалга ошаётганидан афсусланиш, чорасизликдан қутулиш йўли сифатида диққатни тортишга хизмат қилувчи ғоя ва қарашларга айланаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Мақолага нуқта қўяр эканмиз, Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридаги қуйидаги хулоса бу борада барчамиз учун дастуриламал сифатида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигига яна бир бор амин бўламиз: «Ҳақиқат ва холисликдан йироқ бўлган, фақат ғаразли сиёсий манфаатларни кўзлайдиган бундай қарашлар ҳеч кимга наф келтирмайди ва ҳеч кимнинг обрўсига обрў қўшмайди, албатта. Агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетишини, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Мана шу аччиқ ҳақиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чуқур англаб олишини истардим».

> Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани ҳам буни исботлайди, албатта. Афсуски, бугунга келиб айрим мамлакатларда яна буюк давлатчилик иддаоси яқин ўтмишни қўмсаш ғояси билан уйғунлашаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Президентимиз таъкидлаганларидек, бундай қарашлар ортида содда кишиларнинг бош-кўзини айлантириб, ўз умрини яшаб бўлган ғояларини ҳаётимизга қайтадан тиқиштиришга, шу йўл билан яна эски тузумни тиклаш, бир сўз билан айтганда, миллий ўзлигимизни йўқотишга қаратилган интилишлар яширинганини ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз зарур.

# 2012: МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

# Оила меҳр булоғи, аҳиллик қўрғонидир

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН ЯНГИ ЙИЛГА «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДЕБ НОМ БЕРИЛИШИДА ТЕРАН МАЪНО БОР, АЛБАТТА. БУ ЯНА БИР БОР МАМЛАКАТИМИЗДА МЎЪТАБАР ОНАЛАРИМИЗ, ОҚИЛА ВА МУНИС ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗГА НИСБАТАН ЧЕКСИЗ ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР КЎРСАТИЛАЁТГАНИ ИФОДАСИДИР

**Мухлиса АКРАМОВА,**
O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

Маълумки, мустақиллик йилларида хотин-қизларни ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий ҳимоялашга қаратилган юзга яқин миллий ва халқаро ҳужжатларнинг қабул қилиниши уларнинг жамият ҳаётида фаол қатнашишлари, ўз истеъдод ва имкониятларини тўла намоён этишлари учун мустаҳкам замин яратди. Ана шундай ғамхўрлик туфайли юртимизда оналар ва болалар саломатлиги тубдан яхшиланди. Аёлларнинг ўртача умр кўриш даражаси 75 ёшга етганлиги ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Айни пайтда хотин-қизларимиз фарзанд тарбияси, оила юмушларидан ташқари жамоат ишлари, давлат қурилишида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Хусусан, тадбиркорлик ва иқтисодиёт, илм-фан, санъат ва спорт соҳаларида ўз иқтидорларини тўла намоён этишаяпти. Буни Конституцион суд тизимида хизмат қилаётганларнинг 20, Олий суд соҳасида 14,6, ишлаб чиқаришда 42,8, қишлоқ хўжалигида 42,8, таълим, маданият ва илм-фан соҳасида 72,9, соғлиқни сақлаш тизимида ишлаётганларнинг 75,3 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётганида ҳам кўриш мумкин. Фермер хўжаликларининг 2 фоизга яқинини эса бевосита аёллар бошқаришмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, муҳтарам Президентимиз таклифи билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия бўйича хотин-қизларга камида 30 фоизли квота ажратиш шарти қатъий белгиланди. Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 22, Сенат аъзоларининг 15 фоизи аёллардан иборат эканлиги ҳам қувончли ҳолдир.

Ҳозирда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг салкам 54 фоизини ишлаб чиқараётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари орасида O`zLiDeP аъзоси саналган аёллар кўпчиликни ташкил этади. Агар бугун партиядошларимизнинг умумий сони 173 минг нафардан ортиқ бўлса, шундан 65 минг нафарга яқини хотин-қизлардир. Уларнинг 11 нафари парламент қуйи палатасида, 5 нафари Сенатда, 351 нафари маҳаллий кенгашларда халқимизнинг ишончли вакиллари сифатида фаолият кўрсатишмоқда. Жорий йилда партия фаоллари бўлган аёллар томонидан 10 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Бу муваффақиятлар сафимиздаги опа-сингилларимиз сиёсат ва тадбиркорлик соҳасида ҳам барчага ўрнак бўлишаётганидан далолат беради.

Якунланиб бораётган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши минглаб хотин-қизларни бизнес оламига жалб этибгина қолмай, юртимизда том маънодаги мустаҳкам оилалар сонининг кўпайиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиз. Жамиятимиздаги бундай инқилобий ўзгаришлар, ўз навбатида, O`zLiDeP "Аёллар қаноти" зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шу муносабат билан 2012 йилда "Аёллар қаноти" ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан бир қатор истиқболли лойиҳалар тайёрланмоқда.

Ҳа, чиндан ҳам бугунги ўзбек аёли амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига, Ватан ва миллат тақдири, жамият равнақига бефарқ эмас. Бу эса истиқлол йилларида эришган энг катта ютуқларимиздан биридир.

# Жамиятнинг асосий бўғини

ЮРТБОШИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАКЛИФИ БИЛАН **2012** ЙИЛГА «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДЕБ НОМ БЕРИЛИШИ ХАЛҚИМИЗ УЧУН МУҚАДДАС САНАЛГАН ОИЛАГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОРНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ БЎЛДИ

**Муқаддас АБДУЛЛАЕВА,**
халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши депутати

Юртбошимиз маърузасида «Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди» деган сўзлар бутун жамият эътиборини оила институтини янада мустаҳкамлашга қаратиш лозимлигини кўрсатди.

Бу фикрлар ҳаётнинг барча жабҳаларини либераллаштириш, ўрта синф вакиллари, моддий ва интеллектуал мулк эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олган партиямиз ғояларига ҳам ҳамоҳангдир.

Зеро, оила мустаҳкамлиги унинг иқтисодий асосларига тўғридан-тўғри боғлиқ. Бу эса қабул қилинадиган қонунлар, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, маҳалла ролини янада ошириш, оила бекаси бўлган аёллар шароитини яхшилаш, ёш авлод соғлиғини сақлаш, уларнинг маънавий баркамоллигини таъминлашда барча бўғиндаги сафдошларимиздан шижоат, қатъият ва ташаббускорликни ҳам талаб этади.

Ўйлайманки, мустаҳкам оила йилида электоратимиз учун муҳим бўлган оилавий бизнес, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракати янада авж олади. Чунки ҳар қандай оила иқтисодий жиҳатдан таъминлансагина турмуши фаровон, мустаҳкамлиги барқарор бўлади. Шахсан мен барча партиядошларни, айниқса, маҳаллий кенгашлардаги депутатларни жойларда оила мустаҳкамлигига боғлиқ масалаларни ўрганиб, сессияларда муҳокама қилиш, парламентдаги фракцияси орқали қонунчилик ташаббуслари кўрсатишга чақираман.

## ЯНГИ КОРХОНА ИШГА ТУШИРИЛДИ

**Самарқанд вилоятининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, саноат салоҳиятини ошириш ҳамда кичик бизнес ва сервис соҳасини қўллаб-кувватлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар самарасида 2011 йилда 36 та ноозиқ-овқат, 86 та озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 75 та хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишидаги лойиҳалар амалга оширилди.**

**Бунинг натижасида 2300 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.**

**Бунга Ургут туманида иш бошлаган пластик қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Sam-Pips-Plast» масъулияти чекланган жамияти ҳам яққол мисол бўла олади.**

**— Замонавий технология асосида янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари Қаҳрамон Фармонов. — Хомашёнинг асосий қисми юртимиз корхоналаридан олинмоқда. Ҳозир бир кунда 1200-1500 метргача оқова ва совуқ сувга мўлжалланган икки хил ўлчамдаги қувурлар тайёрлаяпмиз. Цехларда жиҳозлаш ишларини давом эттирамиз. Келгуси йилдан маҳсулот турини яна учтага кўпайтириш, ишлаб чиқариш қувватини бир неча баробар ошириш, маҳсулот экспортини йўлга қўйишни мўлжалламоқдамиз.**

**Янги корхона иш бошлаши билан ўндан зиёд ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлади.**

(ЎзА)

# Навбат парламент эшитувига

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»

— Айни пайтда кадастр объектларини суратга олиш, кадастр харитасини тузиш, инвентаризациядан ўтказиш ва паспортлаштириш, сифат ва сон жиҳатидан баҳолаш, кадастр объектлари чегараларини ўлчаш ишларида илғор техника ва технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш, ушбу тизимга кирувчи ташкилотларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда, — деди тадбирда "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Тўлқин Абдуллаев.

— Кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, тавсифи ва баҳоси ҳақидаги бошқа маълумотларни тезкор тарзда янгилаб бориш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, кадастр объектларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини яхшилаш, улар фаолиятига хорижий давлатлар тажрибаларини кенг жалб этиш мақсадида турли шаклдаги тадбирлар ташкил этилмоқда.

— "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги қонуннинг кўпгина моддалари ҳавола нормалар бўлиб, унинг ижроси бошқа қонуности ҳужжатлари – низом ва йўриқномалар орқали таъминланаётганини таъкидлаш жоиз, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти масъул ходими Улуғбек Аълоев. — Бу эса соҳа ривожининг ҳуқуқий асоси саналаётган мазкур ҳужжатни давр талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Агар бу борадаги хорижий тажрибани таҳлил қилсак, аксарият ривожланган мамлакатларда кадастр юритиш билан боғлиқ тартиб-қоидалар қонуннинг ўзида акс эттирилганини кўрамиз.

O`zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Комилов эса тегишли вазирлик ва идоралар томонидан қонун талабларини бажариш жараёнида айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганини таъкидлади. Жумладан, мазкур қонунда ҳудудларда давлат кадастрини тузиш ва уни юритиш аниқ белгилаб қўйилган бўлса-да, ҳанузгача ушбу кадастр низоми қабул қилинмаган. Бундан ташқари, давлат кадастрларини тузишга масъул муассасалар томонидан ишлаб чиқилган ва Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган баъзи низомларнинг номланиши қонуннинг 5-моддасига мос келмаяпти.

Шу ўринда ҳайвонот дунёси бўйича давлат кадастри юритиш Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, Фанлар академияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юклатилган бўлса-да, ушбу кадастр тўлиқ юритилмаганини таъкидлаш жоиз. Бу эса мазкур ҳолатларни бартараф этиш, қабул қилинган қонунларнинг мукаммал процессуал механизмларини яратиш борасида тизимли чора-тадбирлар белгиланиши лозимлигини кўрсатмоқда.

— Амалдаги қонунда белгиланган 21 та йўналишдаги давлат кадастрлари сирасига хавфли юқумли касалликлар кадастрини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шарипов. – Зеро, ҳайвонларда учрайдиган айрим касалликлар эпизотик барқарорликка қанчалик хавф солиши ҳеч кимга сир эмас.



Семинар иштирокчилари муҳокама қилинган масалаларнинг долзарблигини инобатга олиб, Концепцияда белгилаб берилган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини ўрнатиш ҳамда билдирилган мулоҳазалар асосида "Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан парламент эшитувини ўтказиш лозим, деган қарорга келдилар. Шу муносабат билан Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2012 йилдаги иш режасига ушбу қонуннинг масъул вазирлик ва идоралардаги ижросини таъминлашга қаратилган назорат-таҳлил фаолиятини киритиш таклиф қилинди.

# Истиқлол тарихининг энг ишончли манбаи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

**Ҳусниддин АҲМЕДОВ,**
фалсафа фанлари номзоди

Асарни қайта-қайта ўқиганимдан сўнг, агарда ўша зиддиятли даврларда вужудга келган хатарли вазиятларнинг маъно-мазмунини тўлиқ англаб етадиган, теран мушоҳада юритиб, воқеалар ривожи ва улар оқибатини олдиндан тасаввур этиб, ғоят қалтис ва аянчли ҳолатдан чиқиб кетишнинг оқилона ечимини топа оладиган, яхши-ёмон кунларда ўз халқининг дарду қувончига шерик давлат раҳбари бўлмаганида аҳвол қандай кечарди, деган савол хаёлимдан кетмай қолди. Чунки яқин ўтмишимизда миллат ва мамлакат манфаатларини чуқур англаб етмаган, халқ дарди ва ташвишидан йироқ, вужудга келган муаммоларни холисона таҳлил этиб, улар ечимини излаш ўрнига, амал курсисига ёпишиб, марказ гумашталарига айланиб қолган, сиёсий калтабин ва журъатсиз "арбоб"лар ҳам бўлган-ку.

Шу маънода мазкур асар бирор-бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман. Аксинча, ўша давр ҳақида ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди. Бундан ташқари, истиқлолга оғир ва машаққатли курашлар орқали эришилганини юракдан ҳис этишга ёрдам беради. Мустақиллик арафасидаги чуқур инқироз ҳолати, мураккаб вазиятдан чиқиш йўлида олиб борилган изчил ҳаракатлар, янги авлод кадрларини тайёрлаш концепциясига асос солиниши, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар назариясининг шаклланиш жараёнлари, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардан — сиёсий мустақиллик сари узоқни кўзлаб сиёсат олиб борилганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Давлатимиз раҳбарига хос бўлган бундай ноёб фазилат — воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш салоҳияти ўша йилларда ҳам, мустақиллик даврида амалга оширилган бунёдкорлик ишларида ҳам яққол намоён бўлади. Масалан, китобга киритилган "Биз бундан буён эскича яшай олмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди" деб номланган нутқда Президентимиз Фарғона воқеалари, умуман, водийдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилиб, жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида миллий кадрлар тайёрлаш масаласини кун тартибига қўяди: "Ўзингиз дунёга қаранг, бир вақтлар катта давлатларнинг мустамлакаси бўлган Жанубий Кореяда, Таиландда, Гонконгда қандай ўзгаришлар бўлмоқда? Бу ўлкаларда қандай кадрлар, қандай ақл-заковат эгалари етишиб чиқмоқда, улар қандай мўъжизаларни яратмоқда".

> Шу маънода мазкур асар бирор-бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман. Аксинча, ўша давр ҳақида ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди. Бундан ташқари, истиқлолга оғир ва машаққатли курашлар орқали эришилганини юракдан ҳис этишга ёрдам беради.

Эътиборли жиҳати шундаки, ўшандай ғоят мураккаб бир паллада ҳам истеъдодли ёшлар учун махсус стипендиялар белгилаш, уларни жаҳондаги етакчи таълим марказларига юбориш, бунинг учун давлат захирасидан каттагина маблағ ажратиш таклифи илгари сурилган экан.

Бу борада китобнинг 62-бетидаги қуйидаги фикрларга эътибор беринг: "... ҳеч қачон, ҳеч қаерда бўшлиқ бўлмайди. Биз бўлмаган жойда бизнинг ўрнимизга ёшлар ва халқ билан бошқалар шуғулланади. Буни унутмаслик керак. Ёшларимизни бегоналарнинг қўлига ўз ихтиёримиз билан топширмаслигимиз керак. Ёшлар учун, улар чин инсон, ўз диёрининг, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварлари бўлиб ўсишлари учун фаол курашмоғимиз лозим". Бу вазият қанчалик жиддий ва қалтис бўлмасин, ёшлар муаммолари, уларнинг дарду ташвиши Юртбошимизнинг доимий диққат маркази, эътиборида бўлганининг яна бир исботидир.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик қўлга киритилгач, юртимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилган Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури, "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда умумтаълим мактабларини ривожлантиришнинг 2007-2012 йилларга мўлжалланган дастури қабул қилинди.

Бу тарихий ҳужжатлар ёшларнинг талаб-эҳтиёжларини назарда тутиб, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлоднинг камол топиши, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб вояга етишиши учун барча шарт-шароит, кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Эндиликда янги авлод вакилларининг илм-фан, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётгани ана шу доимий эътибор маҳсулидир.

Мухтасар қилиб айтганда, китобда қайси масала хусусида сўз юритилмасин, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи бўладими, илм-фан ва замонавий технологияларни ривожлантиришми, бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларими, маънавий қадриятларни тиклаш ва такомиллаштириш ёхуд давлатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари бўладими — барча-барчасида Юртбошимизнинг воқеалар ривожини олдиндан кўра олиш, шу асосда изчил ва самарали қарорлар қабул қилиш салоҳияти, бугунги дориломон кунларни аниқ-тиниқ тасаввур этиш фазилатлари яққол намоён бўлади. Бу эса барча бўғиндаги раҳбарлар, айниқса, ёш раҳбар кадрлар учун чинакам дорилфунун вазифасини ўташи шак-шубҳасиз.

Шу маънода мазкур китоб нафақат истиқлолимиз тарихини ҳаққоний яратиш ва ҳар томонлама ўрганишга ёрдам берадиган, балки ўтмиш ва келажак, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ворислик ришталарини мустаҳкамлаш учун барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юкловчи улуғ даъват вазифасини ўтовчи бебаҳо асар ҳамдир.

# Қонунлар жамоатчиликни жалб этиш орқалигина мукаммаллашади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

**Ўз мухбиримиз**

Бундай учрашувлар, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиши жараёнида уларнинг манфаатларини ҳисобга олиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилаяпти.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Наманган, Сирдарё ва Бухоро вилоятларининг энг чекка ҳудудларида муҳокама қилинган бўлса, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл туманида, Термиз, Андижон ва Жиззах шаҳарларида қайта-қайта таҳлил этилди.

Тадбирларда фракция аъзолари мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқишдан асосий мақсад оилавий тадбиркорликни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг энг муҳим шакли сифатида ривожлантириш учун зарур қонунчилик базасини яратиш, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш ва янги иш ўринларини яратишдан иборат экани таъкидладилар.

— Мен ўз фаолиятим мисолида бугунги ислоҳотлар реал натижалар бераётганига ишонч ҳосил қилмоқдаман, — деди Термизда ўтказилган мулоқот иштирокчиси, бойсунлик тадбиркор Неъмат Абдуллаев. — Бугунги тадбирда эса Концепцияда илгари сурилган ташаббуслар қандай амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдим. Ишлаб чиқилган янги қонун лойиҳалари юртимизда бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиши баробарида хусусий сектор вакилларининг ҳуқуқларини кенгайтириш ва салоҳиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

O`zLiDeP нуқтаи назарига кўра, мазкур қонун лойиҳалари жуда долзарб бўлиб, уларнинг қабул қилиниши нафақат "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" ҳамда Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифаларни бажариш, балки Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш, унинг дунё бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга ҳам хизмат қилади. Бу эса O`zLiDePнинг Сайловолди дастурида белгиланган энг муҳим вазифалардан биридир.

Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида ҳам мазкур қонун лойиҳалари муҳокамасига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Комиловнинг таъкидлашича, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да эълон қилинган Президент фармонлари ва қарорларида акс этган меъёрлар хусусий сектор фаолиятини янада ривожлантириш имкониятини яратиб берди. Айниқса, Концепция талаблари асосида ишлаб чиқилган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси давлат дастурида белгиланган вазифаларни таъминлашни кўзда тутиб, бундан кўзланган асосий мақсад тадбиркорликни рағбатлантириш, мулкдорлар учун янада кенгроқ эркинлик бериш ҳамда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш механизмларини соддалаштиришдан иборатдир. Тошкент вилоятидаги сайловчилар билан учрашувларда қонун лойиҳасидаги хусусий секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби меъёрлар бўйича электорат вакиллари томонидан кўплаб таклифлар билдирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу эса бугунги сайловчини кўпроқ қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти қизиқтираётганидан далолатдир.

Фарғоналик сайловчилар билан учрашувлар ўтказган Абдурашид Жўрабоевнинг қайд этишича, бугун аксарият сайловчилар томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ ўта долзарб масалалар ўртага ташланмоқда. Хусусан, ҳудудда Концепция талаблари асосида ишлаб чиқилган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига қизиқувчилар сони кўпчиликни ташкил этмоқда. Негаки водий вилоятлари аҳолиси азалдан оилавий тадбиркорликка бирламчи эътибор қаратиб, шу орқали ўз оиласи ва яқинлари фаровонлигини таъминлашга интилиб келган. Учрашувлар чоғида мазкур қонунга асосан оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий шакли ўзгартирилиб, унинг оилавий корхона, яъни юридик шахс мақомига ўтказилаётгани, улар кичик тадбиркорлик субъектлари сирасига киритилаётгани айни муддао экани алоҳида таъкидланди. Чунки оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган оилаларнинг кичик бизнесга яратиб берилган кенг имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши уларнинг янада барқарор фаолият юритишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этаётган муҳокамаларда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган чора-тадбирларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши олдимизда турган юксак мақсадларга эришиш – замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, халқимизни муносиб турмуш шароити билан таъминлаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашимизнинг кафолатига айланмоқда.

бандлик

# ПАХТАОБОДДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

**Пахтаобод тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.**

**Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу борада Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.**

**Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида туманда 5217 янги иш ўрни яратилди. Бу белгиланганидан 6,1 фоиз ортиқдир. Мазкур давр мобайнида саккиз марта меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, уларда 824 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди.**

**Бу галги ярмаркада тумандаги 28 корхона, ташкилот, муассаса ва фермер хўжаликлари 100дан зиёд бўш иш ўрни билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркасида 73 кишига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.**

**Тадбир доирасида мутахассислар томонидан аҳолининг меҳнат қонунчилигига доир билимларини оширишга бағишланган суҳбат ва мулоқотлар ўтказилди.**

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

# ТАДБИРКОРЛИК



## Томорқангиздан қанча даромад олдингиз?

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ДЕНОВ ТУМАНИ АҲОЛИСИ ТОМОРҚАСИДА 339 ГЕКТАРЛИ БОҒ, 236 ГЕКТАРДА УЗУМЗОР БЎЛИБ, АЙНИ ПАЙТДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР МЕВА-САБЗАВОТЛАР САҚЛАЙДИГАН ОМБОРЛАР ТАШКИЛ ЭТИШГА ҚАРАТИЛАЯПТИ**



**Озод РАЖАБОВ**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси бугун энг чекка ҳудудларда ҳам яққол намоён бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Сурхондарёда бўлганимизда қишлоқ аҳолисининг уй хўжалигини кичик бизнес субъектига, томорқани эса қўшимча даромад манбаига айлантириш борасидаги уринишлари реал натижалар бераётганига гувоҳ бўлдик.

Маълумки, Денов Сурхондарёнинг олис туманларидан бўлиб, бу ерда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига мавсумий тадбир сифатида қараш тушунчаси барҳам топмоқда. Бунда томорқадан қишда ҳам ҳосил олиш, пировардида, моддий манфаатдорликка эришиш ҳаракати тобора оммалашмоқда. Ўз навбатида, бу жараён озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиб кетмаслиги, ички бозорни сифатли ва арзон истеъмол моллари билан тўлдириш имконини ҳам бераяпти. Яна бир томони, томорқадан унумли фойдаланиш бандликни таъминлашга кўмаклашиши баробарида оилада вояга етаётган фарзандлар онгида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга ҳам хизмат қилаяпти.

Масалан, тумандаги «Тортувли» қишлоқ фуқаролар йиғинининг «Чамбил», «Охтом», «Навбаҳор» ва «Янги қишлоқ» маҳаллаларида яшовчи 15 минг нафар фуқаро жами 472 гектарлик томорқага эга бўлиб, аксарият оилалар ўз томорқасини хусусий бизнес манзилига айлантирган. Яратиб берилган қулай шароитлар туфайли уйда деҳқончилик, чорвачилик ёки ҳунармандчилик билан шуғулланганларга меҳнат дафтарчалари очилаётгани эса тадбиркорлик билан шуғулланаётганларни янада руҳлантирмоқда.

«Тортувли» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мўминжон Хўжақулов маҳалладошларининг интилишлари ҳақида гапирар экан, ишнинг кўзини билган киши ихчамгина томорқадан ҳам оила учун каттагина даромад олиши мумкинлигини эътироф этди.

«Охтом» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муродали Нурмаҳматов эса ҳудуддаги 602 та хонадонда 3486 киши истиқомат қилиб, уларнинг деярли барчаси ўз томорқасидан уч марта ҳосил олаётганини айтди. Айни пайтдаги қорли-қировли кунларда ҳам охтомликлар ҳовлисида қишки карам, пиёз, саримсоқпиёз, турп ва шолғом баравж ўсаётгани эътиборни тортади. Ҳосил чўғи ҳам баланд. Ҳаракатга яраша самара, деб шуни айтсалар керакда!?

Маҳалла раиси бизни Деновда томорқа бизнесини бошлаб берганлардан бири Йўлдош Қосимов хонадонига таклиф қилар экан, 30 сотих ерда лимонарий ташкил этилганига тўрт йил бўлганини таъкидлади. Нигоҳидан шижоат сезилиб турган хонадон соҳиби ўз фарзандлари билан ўтган йили 6,5 тонна лимон етиштириб, 25 миллион сўмдан ортиқ даромад олибди.

— Мана бу «Ласетти» ва фарзандларим учун қурилаётган янги уй-жойлар ҳам олинган даромаддан, — дейди Йўлдош ака. — Қувонарлиси, бугун қўни-қўшниларим ҳам томорқа тадбиркорлигининг сир-синоатини эгалламоқдалар. Исталган маҳалладошимиз уйига киринг — бир қарич ер ҳам бўш тургани йўқ.

Мўминжон Хўжақулов ҳатто бир сотихли ерда ҳам иссиқхоналар ташкил этилаётганини айтди. 1 миллион 300 минг сўмлик харажат эвазига қурилаётган енгил конструкцияли бундай иссиқхоналарда помидор ва бодринг етиштирган кишилар биринчи йилнинг ўзидаёқ 3 миллион сўм атрофида даромад олмоқда.

Туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи Карим Насруллаевнинг таъкидлашича, бугун деновликлар томорқасида жами 339 гектарлик боғ ва 236 гектарлик узумзор бўлиб, айни пайтда мева-сабзавот маҳсулотларини асл ҳолича сақлайдиган омборларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу кунларда яна бир янги объект — «Шошмохкашоб» агрофирмаси умумий сиғими 600 тонналик музлатгич камераларини ишга тушириш арафасида турибди. Янги йилнинг дастлабки ойларида эса «Сурхонозиқовқатмоллари» МЧЖ томонидан 1000, «Астрос моторс» хусусий корхонаси томонидан эса 300 тонналик сиғимдаги совутгичларни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Шу ўринда туманда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш аниқ дастур асосида олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозирги кунда туманда 621 та савдо дўкони, 85 та умумий овқатланиш маскани, 11 та гузар, 19 та хусусий транспорт уюшмаси, 406 та коммунал ширкат фаолият кўрсатмоқда. Мутахассислар жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳолига жами 220 миллиард сўмлик сервис хизмати кўрсатилгани, яна 37 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилганига эътибор қаратаяптилар.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги мутасаддилари таъкидлаганидек, томорқани кичик бизнес субъектига айлантириш жараёнлари тегишли идоралар томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бошқа туманларда ҳам яхши самара бермоқда. Айниқса, Қумқўрғон ва жарқўрғонлик деҳқонлар томорқада етиштирилган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдиришга катта ҳисса қўшиши баробарида ҳосилнинг маълум қисмини экспорт қилиб, оилавий даромадларини янада оширишга эришмоқдалар.

> Сурхондарёда бўлганимизда қишлоқ аҳолисининг уй хўжалигини кичик бизнес субъектига, томорқани эса қўшимча даромад манбаига айлантириш борасидаги уринишлари реал натижалар бераётганига гувоҳ бўлдик.




«ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ» ТАНЛОВИГА

## Қалб амри билан

**ҲАР ҚАНДАЙ МИЛЛАТ ВА ЭЛАТ УЧУН ТИНЧЛИК ҲАМДА ОСОЙИШТАЛИКДАН ҚИММАТРОҚ БОЙЛИК ЙЎҚ, АЛБАТТА**

**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,**
«XXI ASR»

Хавфсизликни таъминлаш эса энг аввало, Қуролли Кучларнинг ҳарбий салоҳиятига боғлиқдир. Шу боис ҳам мустақилликнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистонда давлат суверенитетининг асосий белгиларидан бири бўлмиш миллий армияни шакллантириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимиз Президенти, Олий бош қўмондон Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилган ислоҳотлар самараси ўлароқ, Қуролли Кучларимиз моддий-техник жиҳозланиш даражаси, шахсий таркибнинг профессионал ҳамда ахлоқий-руҳий тайёргарлиги жиҳатидан қудратли, мукаммал тизимга айлантирилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек: «...кўлами ва моҳиятига кўра ғоят улкан ва ноёб, том маънода тарихий ишларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, стратегик вазифаларни ҳал этишга қодир ўз миллий армиясига эга бўлди...»

Сирасини айтганда, осмонимиз мусаффолиги, турмушимиз фаровонлигини таъминлашда туну кун Ватанимиз сарҳадларида сергак турган чегарачиларимизнинг ҳиссаси беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг мард, фидойи ўғлонлари ҳам ўз зиммаларидаги юксак масъулиятни ҳис этиб, нафақат сув ва қуруқликда, балки ҳаво сарҳадлари дахлсизлиги йўлида чинакам жасорат намуналарини кўрсатмоқдалар.

... Чегарачи офицер Алексей Волков 15 йилдан буён ҳарбий соҳада хизмат қилмоқда. Шу боис юқори даражадаги профессионал тайёргарликка эга. Спорт билан мунтазам шуғулланади. Сузиш бўйича спорт усталигига номзод. Инглиз, рус ва ўзбек тилларини мукаммал билади. Аввал мактаб, сўнг олий ҳарбий билим юртида таълим олар экан, ўзининг илмий фикрлаши, кенг дунёқараши, пухта жисмоний тайёргарлиги билан тилга тушди. Курсантлик пайтида чўкаётган болани қутқариб қолгани учун II даражали «Чегара қўшинлари аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланганини ҳам бежиз эмас.

— Кўпчилик Алексейга ҳавас қилади, — дейди унинг сафдоши, майор Ўктам Жумаев. — Қўл остидагиларга нисбатан ғамхўр ҳамда талабчан раҳбар. Топшириқларни ўз вақтида, кўнгилдагидек адо этади. Мураккаб вазиятларда эса тўғри қарор қабул қилишга одатланган.

Дарҳақиқат, шундай. Ҳарбий хизматнинг дастлабки давридаёқ А.Волков «Энг илғор мутахассис» танловида қатнашган ва «Энг илғор взвод командири» номинацияси бўйича ғолибликка эришган эди. Айни кунда у «Тошкент» халқаро аэропортида ўз хизмат бурчини ўтамоқда. Бу, албатта, осон кечаётгани йўқ.

— «Тошкент» халқаро аэропорти мамлакатимизнинг ўзига хос ҳаво дарвозаси ҳисобланади, — дейди Алексей. — Биз унинг хавфсизлиги ва осойишталиги учун масъулмиз. Бинобарин, она-юртга бўлган меҳр-муҳаббатимизни намунали хизматимиз орқали намойиш этишимиз лозим. Назаримда, бугунги чегарачи нафақат жисмонан баркамол, балки маънан ҳам етук бўлиши даркор. Даврнинг ўзи шуни тақозо қилмоқда.

Қаҳрамонимизнинг кўп йиллик хизматлари самарасиз қолмади. Миллий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги ибратли фаолияти учун давлатимизнинг юксак мукофотлари — «Жасорат» ва «Содиқ хизматлари учун» медаллари билан тақдирланган. Алексей Волков оилавий ҳаётда ҳам бахтли, десак, хато қилмаган бўламиз. Рафиқаси Анастасия билан бир-бирларини яхши тушунадилар. Турмуш ўртоғининг ҳам ҳарбий хизматчи эканлиги эса оилавий муносабатларда ўзаро уйғунлик касб этаётир. Эр-хотин ҳарбийлар сулоласига асос солишмоқчи. Келажакда соғлом фарзандлар кўриш, уларни ҳам ҳарбий хизматчи этиб тарбиялаш орзуси билан яшашмоқда.

— Ҳар бир инсон ўз тақдир йўлини ўзи белгилайди, — дейди Алексей. — Ёшлигимда ҳарбий билим юртида ўқимоқчи эканлигимни эшитган онам ҳайрон бўлган эди. Чунки у ҳарбий хизматни қийин ва машаққатли иш, деб биларди. Аммо онам қароримни ҳурмат қилди. Бугун эса ҳарбийликдек шарафли касбни танлаб хато қилмаганимни тўла ҳис этмоқдаман.

Фарзандлар камоли — оналар бахти. Надежда Александровна эндиликда ўғли билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Чунки унинг фарзанди — Ватан ҳимоячиси, ўзини юрт тақдирига дахлдор деб ҳисоблайдиган етук, баркамол авлод вакилидир.

...Тарихчиларнинг ёзишича, буюк аждодимиз, моҳир саркарда Жалолиддин Мангубердининг жангдаги довюраклиги ва жасоратига гувоҳ бўлган Чингизхон ҳайратдан лол қолиб: «Ўғлинг бўлса, шундайин бўлса!» деган экан. Бу сўзларни ортиқча изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак...

## O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

**САМАРҚАНД.** O`zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида "Тадбиркорликни ривожлантиришда олималарнинг ўрни" мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Хотин-қизлар қўмитаси, "Олима" Ўзбекистон хотин-қизлар уюшмаси вилоят бўлими, "Раҳбар аёллар" клуби ва "Аёллар қаноти" билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбир хотин-қизлар иштирокидаги кўргазма намойиши билан бошланди.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган хотин-қизларга кенг имкониятлар яратилган, — дейди "Файзи" хусусий корхонаси раҳбари Хоним Маматова. – Ўз фаолиятимни 2007 йилда кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан бошлаганман. Бугунга келиб 30 турдаги ширинликлар аҳоли дастурхонига етказиб берилаяпти. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" муносабати билан Халқ банки кредити ҳисобига гўзаллик салони ҳамда тикувчилик цехи очдим. Бу ерда меҳнат қилаётган 25 нафар хотин-қизларнинг аксариятини кам таъминланган, боқувчисини йўқотганлар ҳамда коллеж битирувчилари ташкил этади.

Тадбирда тилга олинган ана шундай мулоҳазалар баробарида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш, вилоятда тадбиркор ва ишбилармон аёллар манфаатини ҳимоя қилиш, жойларда янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, кичик бизнес, тадбиркорлик ва сервис соҳасини ривожлантиришда олима аёллар иштирокини кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди.

**СИРДАРЁ.** O`zLiDeP вилоят кенгаши Ховос туманида "Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли китоби мазмун-моҳияти ва унинг ёшлар ҳаётидаги ўрни" мавзуида давра суҳбати ўтказди. Партия ҳудудий кенгашларининг масъул ходимлари ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамда ёшлар иштирок этган тадбирда мазкур асар жамиятимиз, халқимиз ижтимоий тафаккурини юксалтиришда ниҳоятда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши, унинг миллий ўзликни англаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти беқиёс экани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда, шунингдек, мазкур китобнинг мазмун-моҳиятини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, янги авлод вакилларини миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш "Ёшлар қаноти"нинг асосий вазифаларидан бири эканлиги таъкидланди.

## КОВУЛ ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

**Жорий йил бошида фаолият бошлаган «Nisi Multfruits trade» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси дашт ҳудудларида ўсувчи ковул ўсимлигини қадоқлаб, Туркияга экспорт қила бошлади.**

**— Давлат рўйхатидан ўтганимиздан сўнг низом жамғармасини шакллантириш учун 50 минг доллар қийматида инвестиция киритилди, — дейди корхона директори ўринбосари Илҳом Жамолов. — Айни пайтда Андижон, Жиззах вилоятлари ҳамда Оқдарё, Самарқанд ва Пайариқ туманларида кўпроқ учрайдиган ковул мевасини қадоқлаб, хорижга жўнатяпмиз. Бу ўсимлик йилнинг апрель, май, июнь ва июль ойларида пишиб етилгани сабабли шу даврларда иш нисбатан қизғин кечади. Келгусида янги лойиҳаларни амалга ошириш устида ишлаётган тадбиркорлар мева ва сабзавотларни қадоқлашга мўлжалланган ускуналар олиб келишни ҳам режалаштирмоқдалар.**

## «ПАРРАВШАНТРАС» УЧ МИЛЛИОННИ МЎЛЖАЛЛАЯПТИ

**Когон туманидаги паррандачиликка ихтисослашган «Парравшантрас» МЧЖ ўтган 6 йил мобайнида зотли жўжалар сонини 1200 тадан 15 мингтага, товуқларни эса 12 минг бошга етказди. Агар 2010 йилда корхонада 1,5 млн. дона тухум етиштирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 2 млн. тага етказиш режалаштирилган.**

**Айниқса, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига асосан яратилган имтиёзлар, жумладан, ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга туширилгани, 2012 йилдан бошлаб эса 5 фоизни ташкил этиши катта миқдордаги маблағни корхоналар ихтиёрида қолдириш имконини берди. МЧЖ жамоаси ушбу имкониятдан фойдаланиб, янги йилда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш орқали жўжалар сонини 20, тувуқларни 30 мингтага етказиш, тухум етиштиришни эса 3 млн. донадан оширишни режалаштирмоқда.**

*Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!*
ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ
нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.
Фаолиятингизда бирор муаммо юзага келса, сира иккиланмай бизга мурожаат этинг!
Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 даҳаси 19-Г уй.
Тел.: 8 (371) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

ЭЪЛОН

**Олмазор туманидаги умумтаълим мактаблари ошхоналарида соғлом овқатланишни ташкил этиш бўйича 2011-2012 ўқув йили учун танлов эълон қилинади.**
**Манзил: Олмазор тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими.**
Мурожаат учун телефон: 246-33-75.

# Боши берк кўча

**ТАҲЛИЛЧИЛАР 2015 ЙИЛГА БОРИБ ОИТС ТУФАЙЛИ 74 МИЛЛИОН КИШИ ҲАЁТДАН БЕВАҚТ КЎЗ ЮМИШИ МУМКИНЛИГИ ВА АЙНИ ПАЙТДА УШБУ БЕДАВО ДАРДГА ЧАЛИНГАНЛАР СОНИ 35 МИЛЛИОНГА ЕТГАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР**

**Файзулло АБДУЛБОҚИЕВ**



Афсус билан қайд этиш жоизки, «Аср вабоси» энг кўп тарқалган давлатлар ўнталигидан Ҳиндистон, Жанубий Африка Республикаси, Эфиопия, Нигерия, Мозамбик, Кения, Зимбабве, АҚШ, Россия ва Хитой каби мамлакатлар ўрин олгани муаммо кўламининг йил сайин кенгайиб бораётганини кўрсатмоқда. Энг аянчлиси, Африка қитъасида ҳар куни 1000 нафар гўдак она қони ва сути орқали аср ўлатини юқтириб олмоқда. Айни пайтга келиб ОИВ жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида қайд қилинаётганига мутахассислар эътибор қаратмоқдалар. Маълумки, бу вирус охир-оқибат киши танасидаги ёт моддаларга қарши курашувчи ҳимоя воситаси саналган иммунитет тизимини емиради. Натижада организмда ОИВнинг сўнгги босқичи — иммунитет танқислиги синдроми (аломатлари) — ОИТС пайдо бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, бу касалликка чалинган шахсларга гўё уларга тамға босилгандек назар билан қарамаслик керак. Чунки дунёда ушбу касалликдан кафолатланган одамнинг ўзи йўқ. Қолаверса, унинг юқиш сабаблари ҳам турлича: тиббий муолажалар орқали, баъзи ҳолларда онадан ҳомиласи орқали боласига, гиёҳванд (наркотик) моддаларни томир орқали қабул қилувчилар, жинсий алоқа ёки оддий эҳтиётсизлик туфайли ҳам юқтирилган бўлиши мумкин. Ҳозир бутун дунёда ОИВ касаллигига чалинган кишиларни жамиятдан ажратиб қўймаслик, уларни таъқиб қилишларига чек қўйиш бўйича қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда. ЖССТ (Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти) маълумотларига кўра, 1990 йилнинг декабрь ойигача ер юзида 8 млн.дан ортиқ кишининг ОИВ юқтирганлиги аниқланган бўлса, ОИТС билан касалланганлар сони 300 минг нафардан ортгани қайд этилган.

Бироқ сўнгги йилларда бу касаллик бўйича жаҳонда эпидемиологик вазият тобора кескинлашиб бормоқда. БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича дастури маълумотларига кўра, дунё бўйича ОИВ инфекцияси билан яшаётган шахсларнинг қарийб 50 фоизини аёллар ташкил этаяпти. (45 фоизи 15-24 ёшдагилардир). Ҳар йили дунёда 2,5 млн. нафар киши ОИВ инфекциясини юқтираётган бўлса, 2,1 млн. нафари вафот этмоқда.

Шу нуқтаи назардан ҳам ҳар йили ўтказиладиган ОИТСга қарши кураш халқаро куни — 1 декабрь ОИВ инфекцияси билан курашиш учун ташкиллаштирилган кучларни бирлаштириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бедаво дарднинг олдини олишга қаратилган жамоат дастурларини мустаҳкамлаш, ОИВ/ОИТСнинг барча жиҳатлари ҳақида маълумот бериш ва ўқитиш, шунингдек, эпидемияга йўлиққанларга ёрдам кўрсатишга қаратилган ишлар бир дам бўлса-да, сусайтирилаётгани йўқ.

Шу ўринда ОИТС билан курашиш халқаро куни илк бор 1988 йилнинг 1 декабрида ўтказилган бутун дунё соғлиқни сақлаш вазирлари йиғилишида белгиланганини таъкидлаш мумкин. Мана, ўшандан бери ўтган 27 йил давомида дунё ОИТС хасталиги билан ёнма-ён яшамоқда. Агар яқин тарихга мурожаат қилсак, 1981 йилда беш нафар эркак ўзини ичдан кемираётган ғалати касаллик боис шифокорларга мурожаат этгани маълум бўлади. Афсуски, бу номаълум касалликка қарши дори-дармонлар йўқлиги сабабли иммун-ҳимоя тизимининг барбод бўлиши ва тана вазнининг ўта камайишига йўлиққан ўша беморлар ўлим билан юзма-юз қолгандилар. Ўтган йили эса Ер куррасининг турли ҳудудларида яшовчи 2 миллион одам ОИТС «ўлим чалғиси»дан ўтди. Жорий йилда яна 2,5 миллион кишининг баданида ОИВ инфекцияси борлиги аниқланди. Бу вирус инсон танасида ривожланиб, ОИТСга айланиши мумкин. Унинг бир кун келиб портлайдиган бомбага қиёсланишининг боиси ҳам ана шунда.

Тўғри, кейинги 27 йилда олимлар ва шифокорлар «аср вабоси»га қарши турли дори-дармонлар ўйлаб топдилар. Улардан баъзилари ҳатто бу касалликка қарши курашиш мумкин, деган умидларни ҳам уйғотди. Аммо «Аср вабоси» ҳануз давосиз дардлигича қолаётир. Унга чалинганлар жамиятга кераксиз одамларга ҳам айланиб қолишаётгани аччиқ ҳақиқатдир. Бундан ҳам ёмони — иш топишга монелик қиладиган касаллик унга йўлиққанларнинг ижтимоий аҳволини оғирлаштираётир. Бу тақдир Шарқий Европа ва МДҲдаги ОИТСга чалинган 1,5 миллион нафардан ортиқ киши учун ҳам бегона эмас.

Шу ўринда ўтказилган таҳлиллар хасталик кўпроқ Африка мамлакатларида кенг тарқалганини кўрсатмоқда. Мисол учун: Зоирда ОИВ касаллигига чалинганлар сони 12 млн.дан ошган. Бу умумий аҳолининг 37,5 фоизини ташкил этади. Айни пайтда ушбу хасталик Россия, Украина, Беларусь ва Қозоғистонда ҳам яшин тезлигида тарқалиб бораётганини афсус билан таъкидлаш мумкин.

Энг ёмони, аввалбошда мазкур эпидемия бесоқолбоз эркаклар касали, дея аталган эди. Айни пайтга келиб эса унга мубтало бўлганларнинг 50 фоизини аёллар ташкил этаяпти. Россия ОИТСга қарши кураш маркази раҳбари Вадим Покровскийнинг фикрича, бу борада турли давлатлардаги ҳолат турличадир.

— АҚШ ва бошқа Ғарб мамлакатларида ОИТСга чалинганларнинг аксарияти бесоқолбозлардир. Испания, Россия ва Украинада эса кўпроқ гиёҳвандлар бу вирусга йўлиқмоқда, — дейди таниқли шифокор.

Евросиё минтақасида ОИТС кўламининг тобора кенгайиши, мутахассисларнинг фикрича, асосан Россия ва Украинадаги вазиятнинг ёмонлашгани билан изоҳланади. Бу икки давлатда вируснинг ёйилишига томирга игна санчиш орқали наркотик моддалар истеъмол қилишнинг кўпайгани, касаликка қарши муолажага кўпчиликнинг, айниқса, камбағал кишиларнинг қурби етмаслиги билан боғлиқдир.

Россия расмийларининг маълумотига қараганда, 2009 йили мамлакатда ОИВ инфекциясига чалинган 529,3 минг киши рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 4,56 минг нафари 15 ёшгача бўлган болалардир. Шундай ҳам жиддий демографик муаммога дучор бўлган мамлакат учун бу ўта хатарли зарба, албатта.

БМТ мутахассислари таъкидлаётганидек, 1999 йилдан то 2009 йилгача бўлган вақт оралиғида кўрилган эҳтиёт чоралари натижасида ОИВ инфекциясининг тарқалиш суръатлари 20 фоизга камайган. БМТ «аср вабоси» деб юритиладиган ОИТС тарқалишини тўхтатиш борасида махсус декларация ҳам қабул қилган. 2001 йилдан бери Марказий Африкада бу кўрсаткич 15, Шарқий Осиёда 25 ва Жануби-Шарқий Осиёда 10 фоизга камайган.

Хўш, «аср вабоси»ни бутунлай тўхтатса бўладими?

Мутахассислар хулосаларига кўра, бу, энг аввало, инсоннинг ўзига боғлиқ. Соғлом турмуш тарзига риоя қилган, тасодифий жинсий алоқалардан тийилган, гиёҳванд моддалар истеъмол қилмайдиганлар бу хасталикка деярли дучор бўлмайдилар.

Тиббиёт ходимларининг фикрича, ОИТСни келтириб чиқарувчи воситалардан бири гиёҳванд моддалардир. Шу нуқтаи назардан наркотик моддалар етиштириш бўйича дунёда карвонбошилик қилаётган Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва бошқаларга хавф туғдирмайдиган мамлакатга айлантириш борасида Ўзбекистон раҳбарияти халқаро минбарлардан илгари сураётган таклифлар бежиз эмаслигига амин бўламиз. Бу жафокаш мамлакатда гиёҳванд моддалар экиладиган майдонларнинг кенгайиши, етиштириладиган «оқ ажал» миқдорининг камаймаётгани халқаро жамоатчиликни ўйлантираётган жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Экспертларнинг фикрича, муқобил даромад манбаи яратиш учун афғон деҳқонларига халқаро миқёсда ёрдам кўрсатилган тақдирдагина муаммо кўлами камайиши мумкин. Бироқ кўпчилик кузатувчилар таъкидлаётганларидек, опиум тайёрлаш Афғонистон иқтисодиётининг етакчи тармоғига айланиб улгурган. Мамлакатда етиштирилаётган ушбу оғунинг даромади ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисмига тенгдир. Бошқача айтганда, бу мамлакат жаҳон истеъмолига нисбатан наркотик моддаларнинг 130 фоизини етказиб бераяпти. Лўнда қилиб айтганда, афғон деҳқонлари бутун сайёрамиз эҳтиёжидан кўра 30 фоиз кўп гиёҳванд модда етиштирмоқдалар. Бу эса экспертлар эътироф этаётганидек, террорчилар ва жангариларни «озиқлантираётган» гиёҳвандлик йўлига ғов қўйиш борасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришни талаб этади.

Лекин, нима бўлганда ҳам, ОИТСга чалинмасликнинг ягона йўли — унинг олдини олишдир. Бу масалада одоб-ахлоқ, тарбия ва маънавият масалалари алоҳида ўрин тутишини эса ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

## ОТТАВА «КИОТО»ДАН ЧИҚДИ

**Канаданинг Атроф-муҳит бўйича вазири Питер Кент мамлакатнинг Киото протоколидан чиққанлигини расман эълон қилди.**
**Бу Оттаванинг 1997 йилда планетадаги иссиқхона эффектини камайтириш бўйича белгиланган мажбуриятлардан узил-кесил воз кечганлигини англатади. Вазир бу қарорни Жанубий Африканинг Дурбан шаҳрида 200 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этган БМТнинг иқлим ўзгаришларига бағишланган конференциясидан бир кун кейин эълон қилди. Унда конференция иштирокчилари қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг Киото шартномасини яна уч йилга узайтиришга келишиб олган эдилар. 2015 йилга бориб газларни атмосферага чиқариш бўйича янги шартнома қабул қилиниб, 2020 йилдан амал қилиши белгиланган. Оттавада эса шартномани узайтириш масалани ҳал қилмайди, деган қарорга келинди. Шартномага кўра, ривожланган 39 мамлакат углекислота газларини ва атмосферага зарар етказувчи яна бешта моддани ҳавога чиқаришни қисқаритиши керак. Шунингдек, 2012 йилга қадар келишув иштирокчилари зарарли моддалар миқдорини 1990 йилга нисбатан 5,2 фоизга камайтириши кўзда тутилган.**

## КУТИЛМАГАН ҲОЛАТ

**Молдавияда президентлик сайловларида кам учрайдиган ҳолат юз берди. 16 декабрда бўлиб ўтадиган мамлакат сайловларида иштирок этиш учун президентликка номзод сифатида ягона арбоб, парламент раиси Мариан Лупу ўз номзодини таклиф этди. Бу ҳақда парламент комиссияси раиси Тудор Делиу маълумот берган.**
**«Комиссия барча ҳужжат ва «Евро интеграцияси йўлидаги алянс» иттифоқига кирувчи учта партия депутатлари имзоларини тақдим этган Лупу номзодини рўйхатдан ўтказди", деди Делиу. Назарий жиҳатдан коммунистлар партияси ҳам ўз номзодини илгари суриши мумкин. Аммо улар ҳужжатлар қабул қилиш якунига икки соат қолганда ҳам бу ҳақда маълум қилмадилар, дея таъкидлаган парламент комиссияси раиси.**
**Икки йилдан буён 61 депутат овозини жамлолмаётган Молдавия ниҳоят ўз президентига эга бўлди.**

*Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.*




ЭЪЛОН

***Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2012-2013 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ва касаллиги туфайли якка тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларнинг 1-9-синфларида ўқийдиган фарзандларига қишки кийим-бошлар харид қилиш учун очиқ тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида «XXI ASR» газетасининг 2011 йил 8 декабрдаги 49-(421)-сонида берилган эълон матнига ўзгартиришлар киритилганлигини маълум қилади.***

Ушбу эълоннинг **Талабгор — Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари учун қисмининг иккинчи хат бошида** "талабгорнинг юридик шахс, жумладан, кичик ёки йирик бизнес корхоналарига тааллуқли эканлиги тўғрисидаги маҳаллий статистика органлари томонидан берилган маълумотнома" тақдим этилиши назарда тутилган эди.

Ўтказиладиган тендер савдоларида иштирок этадиган талабгорларнинг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидаги ахборот давлат солиқ инспекциялари томонидан берилишини инобатга олиб, юқорида кўрсатилган **иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда ўқилсин:** "ходимлар сони ва талабгорнинг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида давлат солиқ инспекциялари томонидан берилган маълумотнома".

Эълон матнининг қолган бандлари ўзгартиришларсиз қолдирилди.

# СЎНГГИ САҲИФА



## Учтаси «Ғарб»да, биттаси «Шарқ»да майдонга тушади

**ЎТГАН ҲАФТА МАЛАЙЗИЯДА ОСИЁ ФУТБОЛ КЛУБЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЭНГ НУФУЗЛИ МУСОБАҚА — ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИНИНГ 2012 ЙИЛГИ МАВСУМИ УЧУН ҚУРЪА ТАШЛАНДИ**

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI ASR»

Ўзбекистонлик футбол мухлисларининг мазкур тадбирни интиқлик билан кутишаётганлари бежиз эмас, албатта. Чунки бундан бир ойча аввал мамлакатимизда бошқа спорт турлари қаторида футболнинг ҳам жадал ривожланаётганини инобатга олган Осиё Футбол конфедерацияси (ОФК) Ижроқўми 2012 йилдан бошлаб ушбу турнирда Ўзбекистон шарафини 4 та жамоа ҳимоя қилиши тўғрисидаги тартибни маъқуллаган эди. Зеро, шу вақтгача фақат иккита клубгина Осиё Чемпионлар лигасида иштирок этарди, холос.

Қуръа натижаларига кўра, мамлакатимиз чемпиони — «Бунёдкор» «Шарқ» минтақасига тушган ягона «Ғарб» вакили бўлганини айтиш лозим. Бошқача айтганда, ҳамюртларимиз турнирни одатдагидек Эрон ёки араб давлатлари клублари билан эмас, балки Жанубишарқий Осиё давлатлари ва Австралиянинг анча кучли жамоаларига қарши ўтказиладиган учрашувлар билан бошлайдиган бўлдилар. Демак, «Е» гуруҳидан ўрин олган «қалдирғочлар» — «Гамба Осака» (Япония) ва «Аделаида Юнайтед» (Австралия), шунингдек, «Поханг Стилерз» (Жанубий Корея) ҳамда Таиланд кубоги соҳиби жуфтлигида ғалаба қозонган жамоалар қаторида 1/8 финал йўлланмаси учун кураш олиб борадилар.

— Гуруҳимиздаги жамоаларга ортиқча таъриф беришнинг ҳожати йўқ. Ҳаммаси кучли клублар, — деди қуръа натижаларига ўз муносабатини билдирган «Бунёдкор» бош мураббийи Миржалол Қосимов. — Шунга қарамай гуруҳдан чиқа оламиз, деб ўйлайман. Очиғи, мени мазкур жамоаларнинг кучи эмас, балки Австралия, Япония, Жанубий Корея ёки Таиландга уюштириладиган узоқ муддатли сафарлар ташвишлантираяпти.

Ўз тарихида биринчи марта ОЧЛда қатнашиш имконига эга бўлган «Насаф» «А» гуруҳидан жой олди. Анатолий Демьяненко шогирдларига Қатар ва БААнинг «Ар Райан» ҳамда «Ал Жазира» сингари ўртамиёна жамоалар, шунингдек, Саудия Арабистонининг «Ал Иттифоқ» ва Эрон кубоги ғолиби жуфтлигида зафар қучган клуб қаршилик кўрсатади.

ОЧЛнинг янги формати таъсис этилганидан буён (2003 йилдан) мусобақада доимий равишда иштирок этаётган ва бу гал «В» гуруҳига тушган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ҳам қашқадарёликлар сингари Қатар («Ал Арабий»), Саудия Арабистони («Ал Иттиҳод») ва БАА («Банияс») клубларига қарши майдонга тушадиган бўлди.

Қитъа мусобақасида ўзини кўрсатиши мумкин бўлган яна бир жамоамиз — Фарғонанинг «Нефтчи» клуби гуруҳ босқичида қатнашиш учун бир ўйиндан иборат саралаш тўсиғидан ўтиши лозим. Маълумотларга кўра, БААнинг «Аш Шабаб» жамоасига қарши ўтказиладиган квалификацион учрашув келаси йилнинг 18 февралида Амирликларда бўлиб ўтади. Агар «Нефтчи» ана шу синовдан муваффақиятли ўтса, унда («D» гуруҳида) «Пирузи» (Эрон), «Ал Ҳилол» (Саудия Арабистони) ва «Ал Ғарафа» (Қатар) каби жамоаларга қарши тўп суриш имкониятига эга бўлади.

— Тўғри, «плей-офф» босқичи «уй-сафар» тизимида ўтказилганида ёки ягона ўйин Фарғонада ташкил этилганида бирламчи мақсадимизга эришиш осонроқ кечарди, — деди «Нефтчи» клуби бош мураббийи Юрий Саркисян. — Аммо мени ҳозир бошқа нарса хавотирга солмоқда: саралаш ўйини ўтказиладиган пайтда БАА чемпионати авжига чиққан, клубларимиз эса мавсумга тайёргарлик кўраётган бўлади. Шу боис ҳам клуб раҳбарияти билан ўз олдимизга мазкур муаммони ижобий ҳал этишни мақсад қилиб қўйдик.



Ўзбекистон Профессионал Футбол лигаси бош директори Фарҳод Магометовнинг фикрича, мамлакатимиз клубларига Осиё Чемпионлар лигасида иштирок этиш учун «3+1» кўринишидаги квотани ажратган ОФК бу борада адолатли қарор қабул қилган.

— Қитъамизнинг 46 та давлати ОФК аъзоси ҳисобланса-да, фақатгина 11 та мамлакат клублари Чемпионлар лигаси турнирида иштирок этадиган бўлди, — дейди Ф.Магометов. — Улар орасида Ўзбекистоннинг ҳам борлиги қувонарли, албатта. Умуман олганда, сўнгги йилларда мамлакатимизда футболни ривожлантириш йўлида жуда катта ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, жамоаларимиз ҳам молиявий, ҳам моддий жиҳатдан кучайтирилиб, клубларимиз фаолиятига тўсиқ бўлаётган қатор муаммолар ҳал этилди. Натижада шу пайтга қадар ОЧЛда иккита жамоа билан қатнашган Ўзбекистон Футбол федерацияси 2012 йилда ушбу нуфузли мусобақага тўртта вакилини юбориш имконига эга бўлди.

Шу ўринда гуруҳ мусобақалари 2012 йил 6 мартида старт олишини айтиб ўтиш жоиз. Ҳал қилувчи финал учрашуви эса 10 ноябрда бўлиб ўтади.

## ИНТЕРНЕТ 60,49 ФОИЗГА АРЗОНЛАШДИ




**«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 2011 йилнинг 10 декабридан бошлаб барча провайдерларга тақдим этиладиган ташқи каналли интернет хизматининг 1 Мбит/с ҳажмдаги бирлиги учун тўлов ҳақи 529 АҚШ доллари миқдорида қайд этилганини маълум қилди.**

**Таъкидлаш жоиз: бу «Ўзбектелеком»нинг 2011 йил ҳисобидан интернетнинг ташқи канал тарифлари учун жорий этган тўққизинчи ўзгартиришидир. Агар йил бошида хизмат баҳоси 849 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 10 декабрда белгиланган янги тариф бўйича 60,49 фоизга камайди.**




Мамлакатимизда шу ҳафта охири ва кейинги ҳафта бошларида ўзгарувчан об-ҳаво кузатилиб, ёғингарчилик кутилмайди. **14-21** декабрь кунлари баъзи жойларда ҳарорат **10-15** даражагача пасайиб, туман тушади. Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғмайди. Ҳарорат **16-17** декабрда кечаси **3-8**, кундузи **0-5** даража совуқ, **18-20** декабрда кечаси **10-15**, кундузи **3-8** даража совуқ бўлиши кутилмоқда. Бухоро ва Навоий вилоятларида баъзи жойларга туман тушади, шарқдан бўлаётган шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан **7-12** м/с. тезликда эсади. Ҳарорат кечаси **10-15**, кундузи **3-8** даража совуқ бўлади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат **16-18** декабрда кечаси **2-7** даража совуқ, кундузи **0-5** даража илиқ, **19-20** декабрда кечаси **4-9**, кундузи **3** даража совуқ **-2** даража илиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида термометр кўрсаткичлари **16-18** декабрь кунлари кечаси **3** даража совуқ **-2** даража илиқ, **19** декабрда кечаси **1-6** даража совуқ, кундузи **1-6** даража илиқ бўлишини кўрсатади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгарувчан бўлиб, айрим жойларга туман тушиши мумкин. Шамол ғарбдан **7-12** м/с тезликда эсади. Ҳарорат **16-18** декабрда кечаси **2-7** даража совуқ, кундузи **0-5** даража илиқ, **19-20** декабрда кечаси **4-9**, кундузи **3** даража совуқ **-2** даража илиқ бўлади. Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат **16-18** декабрда кечаси **2-7** даража совуқ, кундузи **0-5** даража илиқ, **19-20** декабрда кечаси **4-9**, кундузи **3** даража совуқ **-2** даража илиқ бўлади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат **16-18** декабрь кунлари кечаси **5-10**, кундузи **0-5** даража совуқ, **19-20** декабрда кечаси **10-15**, кундузи **5-10** даража совуқ бўлади.

## 22-ЖАНГДАГИ 22-ҒАЛАБА



**Ўзбекистонлик профессионал боксчи Алишер Раҳимов Екатеринбургда бўлиб ўтган навбатдаги нуфузли жангда таиландлик Саддам Китйонгютни енгиб, WBO йўналишидаги Asia Pacific ҳамда WBC тоифасидаги Asian Boxing Council камарларини қўлга киритди.**

**Эътиборлиси шундаки, енгил вазнда (61,2 кг.) беллашадиган юртдошимиз ўзининг 22-учрашувидаги 22-ғалабасини қўлга киритди.**

**Маълумотларга кўра, Алишер 12 раундга мўлжалланган беллашувнинг 7-бўлимида шу вақтгача мағлубият нималигини билмай келаётган «Бомба» лақабли рақибини нокаутга учратиб, муддатидан аввал қўлга киритган ғалабалар сонини 11 тага етказган.**

**Энг муҳими, ушбу ютуқдан сўнг у ўз вазн тоифаси бўйича жаҳон чемпионлиги учун беллашиш ҳуқуқини қўлга киритди.**

## ТЎҚҚИЗ ОЙДА ОЛТМИШ УЧ МИНГ НАФАР

**1941 йилда ҳарбий аэродром сифатида иш бошлаган «Наманган» аэропорти фақат мустақиллик йилларидагина барча турдаги йўловчи ташиш рейсларида қатнайдиган самолётларни қабул қиладиган замонавий ҳаво бандаргоҳига айлантирилди.**

**Зеро, соатига 200 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган аэровокзал видеомаълумотлар қайд этиладиган суюқ кристалли экран, учиш ва қўниш вақтларини эълон қиладиган баланд товушли тизим билан таъминланган. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ахборот хизматидан хабар қилинишича, 2011 йилнинг 9 ойида мазкур аэропорт орқали салкам 63 минг нафар йўловчи ўз манзилиги етказилган бўлса, яна 6600 нафар кишига транзит хизматлари кўрсатилган.**

## ЭНДИ КОИНОТГА ОИЛА БИЛАН



**Маълумки, 2001 йилда фазога кўтарилган биринчи сайёҳ Деннис Тито 20 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаган эди. Яқинда сингапурлик яна бир тадбиркор коинотга уюштириладиган оилавий саёҳат учун 1 миллион доллар тўлашга қарор қилди.**

**Хабарларга кўра, ўз исмини ошкор қилишни хоҳламаётган тадбиркор ўз парвозини британиялик миллиардер Ричард Бренсон томонидан ташкил этилган «Virgin Galactic» компаниясининг SpaceShipTwo фазо кемаси бортида амалга оширади.**

**Аҳамиятлиси, атмосфера ва коинот чегараси ҳисобланган 100 километрлик баландликка кўтариладиган мазкур фазо кемаси 20 километрлик нуқтагача «WhaitKnightTwo» номли махсус юк самолёти ёрдамида олиб чиқилади. Шу боис сайёҳлар 2 соат давом этадиган парвоз давомида фақат 5 дақиқа вазнсизлик ҳолатига тушадилар, холос.**

**— Агар сингапурлик тадбиркор, шунингдек, унинг рафиқаси ҳамда икки нафар фарзанди иштирокидаги парвоз амалга оширилса, улар фазога саёҳат қилган осиёлик биринчи оила сифатида тарихда қоладилар, — дейди «Virgin Galactic» компанияси тижорат директори Стефан Аттенборо.**

**Шу кунга қадар 150 нафар талабгордан фазовий саёҳат учун тўловлар қабул қилиб олган «Virgin Galactic» дастлабки парвозни 2012 йилнинг ўрталарида амалга оширишни режалаштирмоқда. 2 нафар учувчи ҳамда вазнига қараб 6 нафаргача сайёҳни фазога олиб чиқа оладиган «SpaceShipTwo» эса 2010 йилда ташкил этилган синовлардан муваффақиятли ўтган эди.**

реклама ▼




XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
O'zLiDeP
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОРГИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асқор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРХОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Раъно АБДУАЛИМОВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
t - Тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: J 3443. Тираж: 9 158
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
ISSN 2181-497X
Навбатчилар: Н.ТОШЕВ, М.РЎЗИЕВ.